

## ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДАГИ ИҶЛИМ ШАРОИТИДА ҚУЁШ ҲОВУЗИНИНГ ҲАРОРАТ РЕЖИМИНИ ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЎРГАНИШ

**<sup>1</sup>Узоков Ф.Н., <sup>2</sup>Элмуродов Н.С., <sup>3</sup>Давлонов Х.А.**

**<sup>1</sup> Узоков Гулом Норбоевич** – т.ф.д., профессор, Қарши мұхандислик-иктисодиёт институти, Карши ш., Ўзбекистон Республикаси, Е-mail: [elmurodov\\_nuriddin@mail.ru](mailto:elmurodov_nuriddin@mail.ru) ORCID ID 0000-0002-2992-3533

**<sup>2</sup> Элмуродов Нуридин Сайитмуродович** – докторант, Қарши мұхандислик-иктисодиёт институти, Карши ш., Ўзбекистон Республикаси. Е-mail: [elmurodov\\_nuriddin@mail.ru](mailto:elmurodov_nuriddin@mail.ru) ORCID ID 0000-0002-2992-3533

**<sup>3</sup> Давлонов Хайрулла Алламуротович** – т.ф.ф.д., доцент, Қарши мұхандислик-иктисодиёт институти, Карши ш., Ўзбекистон Республикаси, Е-mail: [davlonov@mail.ru](mailto:davlonov@mail.ru) ORCID ID 0000-0001-7444-9853

**Аннотация:** Ушбу мақола Ўзбекистоннинг жанубий ижлим шароитларида қуёш ҳовузининг ҳарорат режимларини экспериментал тадқиқот қилишга бағищланган. Экспериментал қуёш ҳовузида тадқиқот ишлари 2022 йилнинг сентябрь ойида олиб борилди. Тадқиқот натижаларига кўра тузли қуёш ҳовузи сувининг 25% ли концентрациясида ҳовуз пастки қатламишининг ҳарорати максимал 56 °C кўтарилиши ҳамда қуёш радиациясининг ортиши билан қуёш ҳовузи пастки конвектив зонасининг энергия йиғиши самарадорлиги параллел ортиб бориши илмий асосланган.

**Калим сўзлар:** қуёши ҳовузи, радиация, концентрация, магний хлорид, иссиқлик алмашиниши қурилмаси, ҳарорат, акс эттирувчи ойналар.

**Abstract:** This article is devoted to the experimental study of the temperature regimes of the solar pond in the climatic conditions of the south of Uzbekistan. Research work in the experimental solar pond was carried out in September 2022. According to the research results, it is scientifically substantiated that the temperature of the lower layer of the pond increases by 56 °C at a concentration of 25% salt water in the solar pond, and the energy collection efficiency of the lower convective zone of the solar pond increases in parallel with the increase in solar radiation.

**Keywords:** solar pond, radiation, concentration, magnesium chloride, heat exchanger, temperature, reflecting mirrors.

Анъянавий энергия манбалари нархининг ошиши, катта ҳажмдаги табиий энергия ресурсларининг ишлатилиши оқибатида экологик муаммоларнинг вужудга келиши ва энергия таъминоти хавфсизлиги бугунги кунда ечилиши зарур бўлган долзарб масалалар ҳисобланади. Бу эса жаҳонда ва бизнинг республикамизда ҳам яшил иктиносидётни ривожлантириш мақсадида энергия таъминоти тизимларида қайта тикланадиган энергия манбалари улушини ошириш ҳамда электр энергияси ишлаб чиқаришда экологик тоза усувлардан фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқот жараёнларини жадаллаштиришни тақозо этмоқда.

Шунинг учун юртимиизда энергия ресурсларини тежаш, аҳоли турмуш форовонлигини таъминлаш ҳамда иктиносидётни инновацион ривожлантиришда “яшил иктиносидёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иктиносидётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган заарарли газлар ҳажмини 20 фоизга қисқартириш мухим вазифа этиб белгиланган [1].

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда ҳам энергия самарадор қуёш қурилмаларидан энергия ишлаб чиқаришда, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида, кўчаларни ёритишда, турли иситиш тизимларида, жумладан биноларни, иссиқхоналарни ҳамда сузиш бассейнларини иситишида кенг фойдаланилмоқда [2].

Бугунги кунда қуёш энергиясидан кенг фойдаланиш ҳамда унинг самарадорлигини оширишда иссиқликни сақлаш тизимлари мухим аҳамиятга эга. Сақлаш тизимининг ишлаши асосан унинг ҳажмига ва қўлланиладиган модданинг зичлиги ҳамда солишишторма иссиқлигига боғлиқ. Сув паст ҳароратли иссиқликни сақлаш учун энг яхши сақлаш суюқликларидан

биридир[2-3]. Унинг бошқа материалларга қараганда иссиқлик ютиш қобилияти юқори, арzon ва кенг тарқалган.

Қуёш энергияси, бошқа қайта тикланадиган энергия каби, табиатда вақти-вақти билан бўлади ва шу сабабли тунги ва булутли об-ҳаво шароитида энергия сақлаш қурилмаларидан фойдаланиш зарур. Қуёш ҳовузлари қуёш энергиясини йиғиш ва сақлаш учун энг оддий ва арzon технологиялардан бири бўлиб, ҳовузнинг қуий конвектив зонасида ўрнатилган энергия захираси орқали ушбу эҳтиёжни қондиради.


Қуёш ҳовузи- бу чукурлашгани сари зичлиги ортиб борадиган шўр сувли ҳавза бўлиб, унинг ички юзасига қора ранг ёки қора плёнка қоплаш билан кўпроқ қуёш нурлари ютилишига эришиш мумкин. Ҳовузнинг тубида тузнинг юқори концентрацияси ва зичлиги шўрланиш градиентини ҳосил қиласди.

Қуёш ҳовузининг афзаллиги - уларни қуриш харажатларининг арzonлиги, иссиқлик таъминотида йиллик 15-25% иссиқлик йиғиш самарадорлиги ҳамда зарур иссиқликни узоқ вақт сақлаш қобилиятидир [2].

Қуёш ҳовузлари электр энергия ишлаб чиқаришда, бинолар ва сузиш бассейнларини иситишда, шўр сувни чучуклаштиришда, озиқ-овқат маҳсулотларини қуритиш ва бошқа мақсадларда ишлатилиши мумкин.

Сунъий қуёш ҳовузларини яратиш ташаббуси биринчи марта 1954 йилда Истроиллик олим доктор Рудольф Блок томонидан таклиф қилинган [4].

Қуёш ҳовузида шўрланиш градиентини ҳосил қилиш учун ишлатиладиган туз кимёвий жиҳатдан барқарор бўлиши лозим. Туз заҳарли бўлмаслиги ва уни ишлатиш учун хавфсиз бўлиши керак. Туз сувнинг инсолиция ўтказувчанлигига ва қуёш ҳовузи сувининг тиниклигига таъсир қилмаслиги керак. Қуёш ҳовузида шўрланиш градиентини ҳосил қилишда кўп ҳолларда натрий хлорид ( $NaCl$ ), ёки магний хлорид ( $MgCl_2$ ) тузларидан фойдаланилади. Лекин корбомид ва калий хлорид ( $CaCl_2$ ) каби ўғит тузлари ҳам Натрий хлорид ( $NaCl$ ) ва Магний хлорид ( $MgCl_2$ ) каби шўрланиш градиентини бемалол ҳосил қиласди. Бошқа тузларга муқобил сифатида ўғит ( $KCl$ ) тузидан фойдаланиш қуёш ҳовузида керакли иссиқликни ҳосил қилиш, шунингдек, экологик ва иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигини кўрсатади.




1-расм. Тўғридан-тўғри иссиқлик чиқариши усули [6]

Қуёш ҳовузлари нисбатан узоқ вақт давомида энергия сақлайдиган оддий ва арzon қуёш энергияси тизими бўлиб келган ва улар электр энергиясини ишлаб чиқариш учун қазилма ёқилғига муқобил эквивалент бўлиши мутахассислар томонидан аниқланган [5].


Қуёш ҳовузидан иссиқлик чиқариш усувлари тўғридан-тўғри ва билвосита иссиқлик чиқариш усувлари сифатида иккита умумий жараёнга бўлинади. Иссиқлик чиқаришнинг биринчи усули бўлган тўғридан-тўғри иссиқлик чиқариш жараёнида қуёш ҳовузи пастки

зонасидан иссиқ шўр сув диффузор орқали ташқи иссиқлик алмашиниш қурилмасига насос орқали узатилади (1-расм) [6]. Ташқи иссиқлик алмашиниш қурилмасида иссиқлик алмашиниш жараёнида совиган шўр сув ҳовуз тубига қайтарилади.

Иккинчи усулда иссиқлик ҳовузнинг пастки конвектив зонасига жойлаштирилган иссиқлик алмаштиргич орқали олинади [6]. Унинг тўғри жойлаштирилиши, иссиқлик алмашиниш қувуридаги конвекцияни қўпайтиради ва унинг бутун ҳажмидағи иссиқликни олиш самарадорлигини оширади. Бу усул қўёш ҳовузидан билвосита иссиқлик олиш усули сифатида ички иссиқлик алмашиниш қурилмасидан фойдаланиш қўёш ҳовузидан иссиқликни олишнинг анъанавий усули ҳисобланади (2-расм). Ушбу усулда иссиқлик энергияси ўрта зонадан ёки пастки зонадан олиниши мумкин ва ташқи иссиқлик алмашиниш қурилмасига ёки сақлаш бакига узатилади. Қўёш ҳовузининг ишлаши ҳовузнинг дизайни ва ундан иссиқлик олиш тартибига боғлиқ.



Сузиш бассейнларини иссиқлик билан таъминлашда уларнинг қиздириш тизимини такомиллаштириш ва ёқилғи энергия сарфини камайтириш мақсадида тажриба қўёш ҳовузи қурилмаси ишлаб чиқилди (3-расм).



3-расм. Экспериментал қўёши ҳовузи қурилмаси

Қурилманинг тузилиши тескари кесик пирамида шаклида бўлиб, 0,9 мм қалинликдаги қаттиқ металл листдан тайёрланган ва қўёш нурларини оптимал ютиш қобилиятини ошириш мақсадида ички юзаси қора рангта бўялган. Металл ҳовуз ташқи томондан иссиқликни сақловчи синтетик тола билан изоляция қилинган. Қўёш ҳовузининг пастки юзаси ва юқори юзаси квадрат шаклида бўлиб, ўлчамлари 0,7 м га 1,5 м ҳамда баландлиги 1,5 м (3-расм). Сирт

майдони  $2,25 \text{ м}^2$ , иш ҳажми  $1,948 \text{ м}^3$  ни ташкил этади. Қуёш ҳовузи қатламлари, юқори конвектив зона (ЮКЗ), ўрта конвектив бўлмаган зона (ЎКЗ) ва пастки конвектив зона (ПКЗ) қалинлиги мос равишда 0,15, 0,9, 0,45 м ни ташкил этди. Тажриба синов жараёнларини олиб бориши давомида қуёш ҳовузи қатламлари ҳароратларини ўлчаш учун 10 та КСП-4 типидаги термојуфтлардан фойдаланилди. Бу термојуфтлар ҳовуз ичига (марказига) жойлаштирилган метал устунчага ҳовуз тубидан 0,15, 0,3, 0,45, 0,6, 0,75, 0,9, 1,05, 1,2, ва 1,35 м масофаларда жойлаштирилган. Охирги термојуфт атроф-мухит ҳароратини ўлчаш учун металл устунчанинг энг юқори қисмига жойлаштирилган. Қуёш ҳовузининг сиртига тушадиган қуёш нурланишининг концентрациясини ошириш мақсадида акс этирувчи ойналар ишлатилди.

Экспериментал қуёш ҳовузи курилмаси Қарши шахри ( $38^{\circ}49'48'' \text{ N}, 065^{\circ}48'34'' \text{ E}$ ), Қарши муҳандислик-иктисодиёт инсититути, “Муқобил энергия манбалари” илмий тадқиқотлар полигонида курилди ва ушбу қуёш ҳовузидан иссиқлик олиш имкониятларини баҳолаш мақсадида иссиқ шўр сувнинг турли концетрацияларида тажриба синов жараёнлари ўтказилди.

Синов жараёнларида қуёш ҳовузида сувнинг шўрланиш градиентини ҳосил қилишда магний ҳлорид ҳамда калий ҳлорид тузларидан фойдаланилди. Ушбу тузларнинг афзаллиги бозорда мавжудлиги ва бошқа тузларга нисбатан арzon. Бундан ташқари, улар юқори ҳароратларда барқарор ва мос эрувчанликка эга.

Тажриба қуёш ҳовузи курилмасида олиб борилган дастлабки тажриба синов жараёнлари  $\text{MgCl}_2$  тузи аралашмаси асосида ҳосил қилинган шўр сувда 2022 йилнинг 3 сентябрдан 10 сентябрга қадар 8 кун давомида ўтказилди.

Қуёш ҳовузида ҳар бир қатлам учун туз концентрацияси ҳовуз қатламларининг вазифасига қараб аниқланди. Юқори қатлам, тоза сув қатлами бўлиб, қуёш радиациясининг пастки қатламларга кириб боришини таъминлаш учун 0 дан 0,005% гача туз нисбатига эга. Ўрта қатлам эса мос равишда 3 ва 4% шўрланиш градиентини яратиш учун чукурлашгани сари концентрациянинг ошиши кузатилди. Пастки қатлам юқори концентрацияга эга бўлди.

Тажриба қуёш ҳовузидаги ҳарорат, қуёш нурланишининг интенсивлиги ва сувнинг туз концентрацияси қуйидаги қурилмалар ёрдамида ўлчанди:




4-расм. Ўлчаши учун ишлатилган асбоблар. а) туз концентрациясини ўлчагич (реоометр),  
б) ҳарорат ўлчагич (КСП-4), с) қуёш энергиясини ўлчагич(актинометр)

Тажриба қуёш ҳовузида шўрланиш концентрациясини ўрнатишида  $1,8 \text{ м}^3$  сувга ( $\text{MgCl}_2$ ) туз аралаштириш орқали эришилди.


Тадқиқот ишлари қуёш ҳовуз сувнинг шўрланиш даражаси 10%, 15%, 20%, ва 25% ли концентрацияларида олиб борилди ва олинган натижалар қуйидаги жадвалларга киритилди. Тажриба синов жараёнлари ҳар бир шўрланиш концентрациясида 2 кун давомида олиб борилди. Қуёш ҳовузининг қатлам ҳароратлари билан биргаликда радиациянинг кунлик

интенсивлиги қайд этиб борилди. 5-расмда ҳар бир концентрацияда олиб борилган тажриба синов жараёнларининг 2-куни учун қуёш радиацияси ўлчов натижалари келтирилди. Радиациянинг энг юқори кўрсаткичи  $1087 \text{ Вт}/\text{м}^2$  куннинг иккинчи ярмида соат 14:00 да кузатилди.



5-расм. Күёши ҳовузи шўрланишининг турли концентрацияларида кунлик қуёши нурланишининг ўзгарииш графиги

Күёш ҳовузига 0,45 м қалинлиқдаги пастки конвектив зонадан бошлаб босқичма-босқич шўр сув билан тўлдириб борилди. ПКЗ га дастлаб 10 % концентрациядаги магний хлорид тузли аралашмаси солинди. Ушбу қатлам концентрацияси максимал 25% тўйинганлик нуқтасигача оширилди. Иккинчи босқичда қуёш ҳовузининг ўрта қатлами туз концентрацияси 3% дан 4% гача бўлган тузли аралашма солинди. Кейинги босқичда тузсиз тоза сув бўлган юқори қатлам қўшилди.



6-расм. 25% концентрацияда күёши ҳовузи қатлам ҳароратларининг ўзгарииш графиги

Ҳар бир аралашма концентрациясида қатлам ва атроф-мухит ҳароратлари терможуфтлар ёрадамида қайд этиб борилди. Тадқикот жарайнлари давомида атроф-мухит ҳарорати ва қүёш радиациясида катта ўзгариш кузатилмаса қүёш ҳовузи қатлами ҳароратлари аралашма концентрацияси ошиши билан ортиши кузатилди. 6-расмда 25% концентрацияда қүёш ҳовузи пастки қатламининг энг юқори ҳарорати 56 °C гача кўтарилигини кўриш мумкин.

**Хулоса.** Қүёш ҳовузи моделида олиб борилган экспериментал ишлар доирасида қуйидаги хулосалар келтирилди:

- қүёш ҳовузининг тузли суви 25%-30% ли концентрациягача ортиб бориши билан ҳовузнинг қатлам ҳароратлари ортиб бориши кузатилди;
- 25% концентрацияда ҳовуз пастки қатлами максимал 56 °C ҳароратга кўтарилиди;
- қүёш ҳовузидаги туз концентрацияси ошиши ва қүёш радиациясиинг ортиши билан қүёш ҳовузи пастки конвектив зонасининг энергия йиғиши самарадорлиги ортади.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони.
2. Uzakov G. N., Elmurodov N. S., Davlonov X. A. Experimental study of the temperature regime of the solar pond in the climatic conditions of the south of Uzbekistan //IOP Conference Series: Earth and Environmental Science. – IOP Publishing, 2022. – Т. 1070. – №. 1. – С. 012026.
3. Элмуродов Н. С. и др. СУЗИШ БАССЕЙНЛАРИНИНГ ЭНЕРГИЯ БАЛАНСИ ТАҲЛИЛИ //Инновацион технологиялар. – 2022. – Т. 3. – №. 3 (47). – С. 21-27.
4. Prasad A. R. Mathematical Model of a Salinity Gradient Solar Pond. – 2016.
5. Осадчий Г. Б. ЭНЕРГОСБЕРЕЖЕНИЕ И ВОЗМОЖНОСТИ УСТАНОВОК И СИСТЕМ МАЛОЙ ЭНЕРГЕТИКИ НА БАЗЕ СОЛНЕЧНОГО СОЛЯНОГО ПРУДА (Введение в проект «Альтернативная энергетика») //Омск-2012. – 2012.
6. Valderrama, C., Cortina, J. L., Akbarzadeh, A., Bawahab, M., Faqeha, H., & Date, A. (2022). Solar ponds. In *Storing Energy* (pp. 537-558). Elsevier.